



ЎЗБЕКИСТОНДА ХУФИЁНА БАНДЛИК ВА ДАРОМАДЛАРНИНГ СОЛИҚҚА ТОРТИЛИШИДА СМАРТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

PhD Қурбанов Муҳиддин
Фискал институти
ORCID: 0000-0002-3857-7644

Аннотация. Мақолада иқтисодиёт норасмий секторининг моҳияти ва таркибий элементлари ёритилиб, норасмий иқтисодиёт категориясининг мазмуни солиққа жалб қилиш нуқтаи назаридан очиб берилган. Мавзуга доир назарий адабиётларни шарҳлаш, халқаро амалиёт ҳамда Ўзбекистондаги ҳолат таҳлили асосида норасмий иқтисодиётни жиловлаш ва кўламини қисқартиришда солиққа тортиш механизмларидан самарали фойдаланишга қаратилган таклифлар ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: норасмий иқтисодиёт, назоратсиз иқтисодиёт, яширин иқтисодиёт, криминал иқтисодиёт, норасмий бандлик, солиқ тўловчилар, солиқ инструментлари, солиққа тортиш механизмлари, солиқ юки.

АНАЛИЗ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СМАРТ-ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ НАЛОГООБЛОЖЕНИИ КОНФИДЕНЦИАЛЬНОЙ ЗАНЯТОСТИ И ДОХОДОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

PhD Қурбанов Муҳиддин
Фискальный институт

Аннотация. В статье диссертации исследовано сущность и выделены структурные элементы неформального сектора экономики, раскрыто содержание категории неформальной экономики с точки зрения налогообложения. На основе обзора теоретической литературы, международной практики и анализа ситуации в Узбекистане сформированы предложения и практические рекомендации по эффективному использованию механизмов налогообложения в сдерживании и сокращении размеров теневой экономики.

Ключевые слова: неформальная экономика, неконтролируемая экономика, теневая экономика, криминальная экономика, неформальная занятость, налогоплательщики, налоговые инструменты, механизмы налогообложения, налоговое бремя.

ANALYSIS OF THE USE OF SMART TECHNOLOGIES IN THE TAXATION OF CONFIDENTIAL EMPLOYMENT AND INCOME IN UZBEKISTAN

PhD Kurbanov Mukhiddin

Fiscal Institute

Abstract. The dissertation article explores the essence and highlights the structural elements of the informal sector of the economy, and reveals the content of the category of the informal economy from the point of view of taxation. Based on a review of theoretical literature, international practice and analysis of the situation in Uzbekistan, proposals and practical recommendations for the effective use of taxation mechanisms in containing and reducing the size of the shadow economy have been formed.

Keywords: informal economy, uncontrolled economy, shadow economy, criminal economy, informal employment, taxpayers, tax instruments, taxation mechanisms, tax burden.

Кириш.

Мамлакатда солиқ юкини солиқ тўловчилар ўртасида адолатли тақсимлаш ва бозорда ҳалол рақобат муҳитини шакллантиришда самарали солиқ маъмуриятчилигини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Солиқ назоратининг самарадорлиги эса солиқ тўловчилар ва солиқ объектларини тўлиқ қамраб олинганлиги, солиқ мажбуриятлари ҳисобини тўғри ва аниқ юритилиши ҳамда солиқ назоратини муваффақиятли амалга оширилиши билан белгиланади. Иқтисодий фаолият турлари ва шакллари кундан-кунга кенгайиб бораётган замонавий дунёда солиқ базасини тўлиқ қамраб олишни фақатгина ахборот-технологиялари ёрдамида, бизнес жараёнларни автоматлаштирган ҳолда амалга ошириш мумкин. Солиққа оид муносабатларни рақамлаштириш, идоралараро ўзаро электрон ахборот алмашишни кенгайтириш ва замонавий таҳлил механизмларини йўлга қўйилиши солиқ объектларини тўлиқ қамраб олиш ва солиққа оид ҳуқуқбузарликларни олдини олишни таъминлайди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги “Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-1257-сон қарорига мувофиқ Давлат солиқ қўмитасининг Ягона интеграциялаштирилган ахборот-ресурс базаси ташкил этилди. Ягона интеграциялаштирилган ахборот-ресурс базаси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг эски таҳрирдаги 84-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1843-сон қарорига мувофиқ 50 дан ортиқ вазирлик ва идоралар билан интеграция қилиниб, давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада автоматлаштириш ва солиқ тўловчилар учун электрон хизматлар жорий қилиш имкониятини тақдим этди.

Маълумотлар базаларини ўзаро интеграция қилиш натижасида давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлик субъектлари, бюджет ва бюджетдан ташқари махсус жамғармаларга тўловлар, кўчмас-мулк объектлари ва улар бўйича олди-сотди шартномалари ва бошқа шу каби 120 турдаги бошқа вазирлик ва идораларга тааллуқли маълумотларни электрон тарзда қабул қилиш йўлга қўйилди. Қўшимчасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6098-сон Фармони билан реал вақт режимда идоралараро электрон алоқа орқали солиқ органларига тақдим этиладиган қўшимча маълумотлар рўйхати тасдиқланган. Мазкур Фармонга мувофиқ Ўзбекистон

Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзбекистон республика товар-хонашэ биржаси» АЖ, Кадастр агентлиги, «Худудий электр тармоқлари» АЖ, Молия вазирлиги Ғазначилиги, «Ўзтрансгаз» АЖ ва «Худудий газ тармоқлари» томонидан ҳам солиқ органларига қўшимча маълумотлар тақдим қилиниши белгиланди.

Бугунги кунда Давлат солиқ қўмитасининг Ягона интеграциялаштирилган ахборот-ресурс базаси орқали 45 та электрон давлат хизматларидан, 40 дан ортиқ солиқ маъмуриятчилигига оид дастурий маҳсулотлар фойдаланилмоқда. Солиқ тўловчилар учун жорий этилган электрон хизматлар доирасида солиқ ва молиявий ҳисоботларни тақдим этиш, солиқларни тўлаш, солиқ органларидаги шахсий карточка маълумоти билан танишиш, ортиқча тўловни қайтариб олиш ёки бошқа солиқ турига ўтказиш, ҳисобварақ-фактура юбориш каби мажбуриятлар электрон тарзда бажарилиши мумкин. Бироқ, давлат солиқ хизмати органларининг маълумотлар базаси бир қатор вазирлик ва идоралар билан интеграция қилинганлиги, солиққа оид муносабатлар электрон кўринишга ўтказилганлигига қарамай, иқтисодиётимизда солиққа оид ҳуқуқбузарлик ҳолатлари етарлича кўзга ташланмоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Тадқиқот жараёнида адабиётларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, хуфиёна иқтисодиёт улушини камайтиришда фуқороларнинг бандлиги даражаси, солиққа оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларнинг кўламини камайтириш бўйича муаллифларда турли фикр ва мулоҳазалар мавжуд.

Жумладан, Артеменко ва бошқаларнинг (2017) фикрича, солиқ rischi – давлат, худудий муниципалларнинг ўз фаолиятидаги режалаштирилмаган молиявий йўқотишдир. Солиқ riskларининг юзага келиши ва жиловланмаслиги ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ҳолати учун катта йўқотишга сабаб бўлади. Шу сабабдан, вазиятни ўз вақтида ва тўғри баҳолаш, уни бартараф этиш чораларини кўриш муҳим аҳамият касб этади. Одатда солиқ тўловчилар солиқларни минималлаштириш учун солиқ объектларини яширадилар ва “хуфиёна” иқтисодиёт иштирокчисига айланадилар.

Солиқ riskларининг юзага келтирувчи асосий сабаблар: солиқ қонунчилигининг нобарқарорлиги, янги турдаги солиқ ва мажбурий тўловларни жорий этилиши, маълумхудудда қўлланилаётган нарх сиёсати ва солиқ юкидир. Солиқ riskларини юзага келишини камайтириш ва олдини олиш учун: биринчидан, солиқ қонунчилигини барқарорлаштириш ва ижросини таъминлаш механизмини тартибга солиш; иккинчидан, барча турдаги солиққа тортишга оид унсурларни тўлиқ рўйхатга олинишини ташкиллаштириш; учинчидан, солиқ юкини асосий қатлам учун солиқдан қочиш оқибатини келтириб чиқариш нормасидан пастда ушлаш лозим бўлиши таъкидланган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан 2020 йилда “Tax Administration 3.0: The Digital Transformation of Tax Administration” қўлланмаси чоп этилган (OECD, 2020). Ушбу қўлланмада бугунги кунда иқтисодий фаолият турлари ва шакллари кескин ўзгариб бораётганлигидан келиб чиқиб, солиқ идораларининг олдида турган долзарб масалалар тўғрисида фикр юритилган ва солиқ идоралари учун самарали маъмуриятчилик олиб бориш бўйича интеграциялаштирилган платформа модели таклиф этилган. Унга кўра, солиқ органларининг маълумотлар базаси қандай ташқи манбалар билан ўзаро интеграция қилишини лозимлиги, интеграция жараёнидаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича сўз юритилган.

Тадқиқот метадалогияси.

Тадқиқотнинг метадалогик асоси бўлиб мамлакатимизда хуфиёна бандлик, хуфиёна иқтисодиёт кўламинини кенглиги, солиқлар базасини кенгайтиришда ва хуфиёна иқтисодиёт улушини қисқартиришда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва

мийёрий хужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фундаиентал асарлари хизмат қилади.

Илмий изланиш жараёнида тадқиқот олиб боришнинг гурухлаш, тизимли қиёсий таҳлил ва ва тизимли ёндашувлар, маълумотларга статистик ишлов бериш, гурухлаш ва шу каби замонавий усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Миллий иқтисодиётда кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорлик, томорқа ва деҳқон хўжалиги шакллари, шунингдек сўнгги йилларда ўзини-ўзи банд қилувчи мақомини йўлга қўйиш ва уларни рағбатлантириш воситасида Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлаш, жисмоний шахсларнинг даромадларини ошириб боришнинг турли имкониятлари яратиб келинмоқда.

Бундай саъйи ҳаракатлар натижаси ўлароқ, аҳолининг кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва мустақил бандликдан келадиган даромадлари ҳажми йил сайин кўпайиб келганлигини таҳлиллардан кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон аҳолисининг иқтисодий фаоллиги, бандлиги ва даромадлари бўйича таҳлил¹³²

| | Кўрсаткичлар | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 |
|-----------|------------------------------------|----------|----------|----------|----------|----------|
| минг киши | Меҳнат ресурслари | 18488,9 | 18666,3 | 18829,6 | 18949,0 | 19142,3 |
| минг киши | Иқтисодий фаол аҳоли | 14022,4 | 14357,3 | 14641,7 | 14876,4 | 14797,9 |
| минг киши | Иқтисодиётда жами бандлар | 13298,4 | 13520,3 | 13273,1 | 13541,1 | 13239,6 |
| минг киши | - давлат секторида | 2330,4 | 2338,3 | 2427,0 | 2463,3 | 2497,0 |
| минг киши | - нодавлат секторида | 10968,0 | 11 182,0 | 10846,1 | 11077,8 | 10742,5 |
| млрд сўм | Аҳолининг умумий даромадлари | 185036,5 | 220811,8 | 282762,5 | 346461,4 | 401501,5 |
| минг сўм | Аҳоли жон бошига умумий даромадлар | 5810,0 | 6817,6 | 8580,0 | 10317,4 | 11728,8 |
| млрд сўм | Аҳолининг реал умумий даромадлари | 175273,8 | 201709,9 | 240587,5 | 302507,2 | 355531,3 |
| минг | Аҳоли жон бошига реал | 5503,5 | 6227,8 | 7300,2 | 9008,4 | 10385,9 |

1-жадвалдаги беш йиллик рақамларни таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистонда меҳнат ресурслари 2017 йилда 18,5 млн кишидан 2021 йилга келиб 19,1 млн кишини ташкил қилган. Шулардан иқтисодий фаол аҳоли сони 2017 йилда 14,0 млн кишини ташкил қилган бўлса, 2021 йилда 14,8 млн кишини ташкил этган.

Шулардан иш билан таъминланган аҳоли, яъни иқтисодиёт жами бандлар сонини кўрадиган бўлсак, уларнинг сони таҳлил қилинаётган беш йиллик давр мобайнида ўзгариб турганлигини кўришимиз мумкин.

Хусусан, 2017 йилда 13,3 млн, 2017 йилда 13,5 млн, 2019 йилда 13,3 млн, 2020 йилда 13,5 млн ва 2021 йил якуналарига келиб, яна 13,2 млн кишини ташкил қилган. 2021

¹³²Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

йилда мамлакатда рўй берган COVID-19 пандемияси иқтисодиёт банд аҳоли сонининг камайишига таъсир кўрсатган деб изоҳлаш мумкин.

Буни давлат ва нодавлат сектори бўйича кўрадиган бўлсак, давлат мулкида бўлган корхоналарда банд аҳоли сони кўрилатган давр мобайнида мунтазам ўсиш тенденциясида бўлган. Айнан, нодавлат секторидаги бандлик ҳолати ўзгарувчан характер касб этган.

Хусусан, бу секторда банд аҳоли 2019 йилда 11,1 млн кишини ташкил қилган бўлса, 2020 йилда уларнинг сони 10,7 млнни ташкил қилиб, 0,4 млн нафарга қисқарган. Бундан кўринадики, пандемия каби инқирозлар биринчи навбатда нодавлат секторида бандлик кўрсаткичига таъсир қилади.

Бу ҳолатдан икки хил хулоса чиқариш мумкин: пандемия сабаб хусусий сектор ўз ишчиларини бўшатиб юбориши ёки назорат сусайганлиги туфайли норасмий бандликка ўтилиши.

Бироқ, аҳоли умумий даромадлари билан боғлиқ рақамлар иккинчи хулосани ҳақиқатга яқинроқ эканлигини кўрсатмоқда. Чунки, пандемия инқироzi хукм сурганига қарамасдан 2020 йилда аҳоли даромадлари ўтган йилга нисбатан ошган.

Хусусан, аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар 2019 йилда 9008,4 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2020 йилда у 10385,9 минг сўмга етган ёки 115,3 фоизга ўсган.

Мазкур хулосага янада ойдинлик киритиш мақсадида аҳоли даромадларининг иқтисодий фаол ва банд аҳоли бошига тўғри келувчи миқдорларини кўриб чиқамиз (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Ўзбекистон аҳоли даромадларининг иқтисодий фаол ва банд аҳолига тўғри келувчи миқдорлари бўйича таҳлил¹³³

| | Кўрсаткичлар | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 |
|----------|--|---------|---------|---------|---------|---------|
| минг сўм | Ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақи | 1293,8 | 1457,8 | 1822,7 | 2324,6 | 2673,3 |
| минг сўм | Ҳар бир иқтисодий фаол кишига даромадлар | 13195,8 | 15379,8 | 19312,1 | 23289,3 | 27132,3 |
| минг сум | Ҳар бир иқтисодий фаол кишига ойлик даромад | 1099,6 | 1281,6 | 1609,3 | 1940,8 | 2261,0 |
| минг сум | Иқтисодиётда банд аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад | 13914,2 | 16331,9 | 21303,4 | 25585,9 | 30325,9 |
| минг сум | Банд аҳоли жон бошига тўғри келадиган ойлик даромад | 1159,5 | 1361,0 | 1775,3 | 2132,2 | 2527,2 |

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, ҳар бир иқтисодий фаол кишига тўғри келадиган умумий даромадлар 2020 йилда 27132,3 минг сўмни ёки 2016 йилдаги 13195,8 минг сўмга нисбатан икки баробардан кўпроқни ташкил қилган. Шунингдек, 2019 йилга (23289,3 минг сўм) нисбатан ҳам 116,5 фоизга ошган.

Иқтисодиётда банд аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар ҳам шу тарзда ошганлигини кўриш мумкин. Хусусан, бундай даромадлар 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 118,5 фоизга ошган.

Демак, 3-жадвал рақамлари таҳлили ҳам юқоридаги хулосамизни тасдиқлайди.

3-жадвал

Ўзбекистонда аҳолиснинг умумий даромадлари таркиби¹³⁴, % да

| Кўрсаткичлар | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
|--|------|------|------|------|------|------|------|
| Аҳоли даромадлари таркиби, шу жумладан: | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар, ш.ж. | 71 | 74,4 | 74,3 | 73,5 | 71 | 69,9 | 69,3 |
| ёлланиб ишлашдан даромадлар | 37 | 38,4 | 37,3 | 36,4 | 34,1 | 32,9 | 32,5 |
| муствақил банд бўлишдан даромадлар | 34 | 36 | 37 | 37,1 | 36,9 | 37 | 36,8 |
| мол-мулкдан олинган даромадлар | 2,4 | 2,8 | 3,1 | 3,4 | 3 | 2,9 | 3 |
| трансфертлардан даромадлар | 24,4 | 20,3 | 20,2 | 20,9 | 23,7 | 25,1 | 25,5 |
| шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқаришдан даромадлар | 2,2 | 2,5 | 2,4 | 2,2 | 2,3 | 2,1 | 2,2 |

3-жадвалдан кўринадики, аҳоли умумий даромадлари таркибида меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар 2014 йилда 71,0 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич таҳлил қилинаётган давр мобайнида 2018 йилга қадар ўсиш, 2018 йилдан кейин сал камайиб бориш тенденциясига эга бўлган. Хусусан, 2020 йилда 69,3 фоизни ташкил қилган.

Бироқ, умумий ҳисобда таҳлил қилинаётган давр мобайнида нисбатан барқарор сақланган. Мазкур кўрсаткичнинг таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, ёлланиб ишловчиларнинг даромадлари аҳоли умумий даромадларида йил сайин камайиб борганлигини кўрамиз.

Аҳолининг муствақил банд бўлишдан олган даромадлари умумий даромадларга нисбатан 2014 йилда 34,0 фоизни ташкил қилган бўлса, кейинги йилларда ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган ва 2020 йилга келиб 36,8 фоизни ташкил қилган.

Бундан кўринадики, республикада муствақил банд шахслар, хусусан, яқка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжаликлари аъзолари, шунингдек, 2020 йилдан йўлга қўйилган ўзини ўзи банд қилувчилар томонидан олинаётган даромадлар аҳоли умумий даромадлари таркибида кўпайиб бориш тенденциясига эга.

Аммо, аҳоли даромадларининг турлари бўйича солиққа тортилаётганлигини таҳлил қилиб кўрганимизда хулоса ижобий эмаслигига иқдор бўлдик (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Аҳоли даромадларининг солиққа тортилиши ҳолати таҳлили¹³⁵

| Кўрсаткичлар | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
|--|--------|--------|--------|---------|---------|
| Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, млрд сўм | 4137,4 | 4876,7 | 6422,7 | 12668,9 | 14854,5 |
| Яқка тартибдаги тадбиркорлардан қатъий белгиланган солиқ, млрд сўм | 794,2 | 1019,5 | 1024,8 | 659,0 | 286,3 |
| Аҳолидан ундирилган жами даромадга солиқлар, млрд сўм | 4931,6 | 5896,2 | 7447,5 | 13327,8 | 15140,8 |
| Жами даромадга солиқларнинг аҳоли умумий даромадларига нисбати, % | 2,7 | 2,7 | 2,6 | 3,8 | 3,8 |

¹³⁴ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайорланган.

¹³⁵ Давлат статистика қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

4-жадвалда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ суммаси билан биргаликда олиниб, аҳолидан ундирилган жами даромадга солиқлар сифатида аҳоли умумий даромадларига нисбатан таҳлил қилинди.

Таҳлилдан кўринадикки, аҳолидан ундирилган жами даромадга солиқлар тушуми 2016 йилда 4931,6 млрд сўмни, 2017 йилда 5896,2 млрд сўмни, 2018 йилда 7447,5 млрд сўмни, 2019 йилда 13327,8 млрд сўмни ва 2020 йилда 15140,8 млрд сўмни ташкил қилган.

Аҳолидан ундирилган жами даромадга солиқларнинг аҳоли умумий даромадларига нисбати 2016-2017 йилларда 2,7 фоизни, 2018 йилда 2,6 фоизни, 2019-2020 йилларда 3,8 фоизни ташкил қилган.

Энди жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг таҳлил қилинаётган йиллардаги солиқ ставкаларини маълумот учун келтирадиган бўлсак, 2016-2017 йилларда унинг тўрт поғонали, яъни 0, 7,5, 17 ва 23 фоизли прогрессив ставкалари, 2018 йилда ҳам 0, 7,5, 16,5 ва 22,5 фоизли прогрессив ставкалари амал қилган. 2019 йилдан эса бир поғонали 12 фоизли ставка амал қилмоқда. Лекин, аҳоли даромадларининг солиққа тортилиши фоизи билан солиқ ставкалари ўртасида жуда катта фарқ борлигини кўриб турибмиз.

Агар юқорида 3-жадвалда келтирилган Ўзбекистондаги ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, у 2018 йилда 1822,2 минг сўм бўлгани ҳолда, прогрессив ставкаларда ҳисобланган даромад солиғи суммаси ўртача 216,0 минг сўмни ёки ўртача иш ҳақиға нисбатан 12 фоизни ташкил этишини кўрамиз. 2019-2020 йилларда эса шундоғам солиқнинг ставкаси 12 фоиз белгиланган.

Бундан кўринадикки, Ўзбекистонда аҳоли даромадларининг жуда катта қисми (қарийб 70 фоизи) солиққа жалб қилинмаган. Бошқача айтганда, мамлакат иқтисодиётида норасмий банд бўлган аҳоли даромадларининг аҳоли умумий даромадларидаги салмоғи шунча миқдорни ташкил этади.

Банд аҳолининг расмий ҳисобга олинган қисмига келсак, юридик шахсларда ёлланиб ишловчилар, якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжаликлари ҳамда ўзини ўзи банд қилувчи шахслар умумий сонининг иқтисодиётда банд аҳоли сонига нисбати 2013 йилда 27,5 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилда 30,4 фоизга етганлигини кўрамиз.

2018-2020 йилларда амалга оширилган кенг қамровли иқтисодий, шу жумладан солиқ ислохотлари натижаси ўлароқ, расмий банд аҳоли салмоғи 2020 йил якунларига келиб 38,5 фоизни ташкил қилган.

Хулоса ва таклифлар.

Юқоридаги таҳлиллар ва изланишлардан келиб чиқиб, қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Солиқ ва молиявий ҳисоботларни топшириш тартибини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни олдини олиш ва камайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ахборот алмашишни йўлга қўйиш. Яъни, солиқ органи ва банк ўртасида солиқ тўловчи ҳисобот даврида банк оборотига эга ёки эга эмаслиги бўйича ахборот алмашишни йўлга қўйиш лозим (амалда Банк сирига амал қилган ҳолда солиқ тўловчининг обороти суммаси эмас, фақатгина оборотга эгами ёки йўқлиги белгиси тақдим этилади). Ушбу маълумотдан келиб чиқиб, тегишли солиқ даврида банк айланмасини амалга оширмаган солиқ тўловчиларни айланмага тааллуқли солиқлар бўйича ҳисобот топшириш мажбуриятдан озод этиш.

2. Солиқ ҳисоботини топшириш жараёнига ҳисобот бўйича ҳисобланган солиқ суммасини автомат тарзда солиқ тўловчининг банк ҳисобрақамидан ундириш бўйича

оферта жойлаштириш. Агар солиқ тўловчи ушбу офертани қабул қиладиган бўлса, унинг ҳисоб рақамидан солиқларни ундириш.

3. Тадбиркорлик субъектлари томонидан ресурс солиқлари бўйича ҳисобот топшириш жараёнини автоматлаштириш. Яъни, солиқ органи ва ресурс солиғи объектлари ҳисобини юритувчи ташкилотлар жумладан, Кадастр агентлиги, Сувсоз корхонаси каби ташкилотлардан солиқ тўловчиларнинг объектлари ва уларнинг миқдори тўғрисида маълумотларни олиб, солиқ ҳисоботи билан интеграция қилиш.

4. Онлайн назорат касса машиналари орқали шакллантирилган чеклар бўйича ўтказилаётган ютуқли ўйинларнинг ўрнига, ҚҚС суммаси ҳисобидан CASHBACK тизимини йўлга қўйиш. Бунга сабаб, бугунги кунда ютуқли ўйинлар орқали санокли харидорлар тақдирланмоқда. CASHBACK тизими эса барчага хариди миқдоридан маълум суммани чегириш имконини беради ва барчани бирдек рағбатлантиради.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Artemenko D.A., Aguzarova L.A., Aguzarova F.S., Porollo E.V. (2017) "Causes of Tax Risks and Ways to Reduce Them". Pages 454-458.

OECD (2020), "Tax Administration 3.0: The Digital Transformation of Tax Administration". Pages 10-24.

Кодекс (2019) Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси. / Code (2019) Tax Code of the Republic of Uzbekistan in the new edition.

Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги "Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ-6098-сон. / Decree (2020) of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 30, 2020 No PD-6098 "On organizational measures to reduce the shadow economy and increase the efficiency of tax authorities." www.lex.uz

Қарор (2010) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги "Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-1257-сон. / Resolution (2010) No. PR-1257 of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 8, 2010 "On measures to further modernize the system of tax authorities of the Republic". www.lex.uz

Қарор (2012) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ1843-сон. / Resolution (2012) No. PR-1843 of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 30, 2012 "On measures to further increase the efficiency of the information and communication system of the state tax service of the Republic of Uzbekistan." www.lex.uz